ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА



2-бет

МАҲАЛЛАЛАРДА ҲИСОБОТ САЙЛОВЛАРИ

3-бет

БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ

4-5-бетлар

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ



6-бет

СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 219 (10.022) 2003 ЙИЛ 11 НОЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

• **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида уюштирилган тадбир ёшлар тарбиясида демократик тамойилларни шакллантириш масаласига бағишланди.

• **МИРОБОД** туманидаги 2-оилавий шифохонада ноқонуний никоҳнинг зарарли оқибатларига бағишлаб ўтказилган тадбир «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетида таълим самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуманда мазкур илм даргоҳининг ўқитувчилари иштирок этишди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университети иссиқхонасида янги атиргул нави парвариш қилинмоқда.

• **«ИЛҲОМ»** театр-студиясида таниқли шоир Александр Файнбергнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан шеърият кечаси бўлиб ўтди.

• **ЮНУСОБОД** туманидаги 327-мактабда 1-4-синфлар ўқувчилари иштирокида «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг биринчи босқичи ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 ноябрь куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё масалалари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонс ҳамда АҚШ давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчиси Лорн Крейнерни қабул қилди.**

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб келмоқда. Мамлакатимизга уммон ортидан ҳукумат, парламент ва ишбилармон доиралар вакиллари делегациялари тез-тез ташриф буюраётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Учрашувда Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама равнақ топиб бораётганидан мамнуният изҳор этар экан, ушбу учрашув стратегик шериклик даражасига кўтарилган Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига оид долзарб масалаларни яна бир бор кўриб чиқиш учун яхши имконият яратганини таъкидлади.

Ўзбекистон ўз олдига демократик жамият барпо этиш, халқ фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттириш ва бозор муносабатларини қатъий қарор топтириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби улкан вазифаларни қўйган. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон мана шу вазифаларни бажаришда АҚШ билан янада яқин ҳамкорлик қилиш истагида эканлигини айтди.

Меҳмонлар самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, АҚШ томони Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашини, ҳамкорлик икки томонлама манфаатли асосда давом этишини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, минтақавий хавфсизлик, инсон ҳуқуқларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

## ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ — ИНТЕРНЕТДА

**Интернет тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг веб-саҳифаси (www.vak.uzsci.net.) очилди. Унда аттестация тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мунтазам ёритиб борилади. Бу саҳифа ривожланган хорижий мамлакатлар билан тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйиш имконини яратади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий аттестация комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда комиссия низоми ушбу веб-саҳифадан жой олган. Ундан ОАК фаолиятига бевосита тегишли бўлган Илмий даражалар бериш, Ихтисослашган кенгаш ҳақидаги ва Эксперт кенгаши тўғрисида низомлар ҳам ўрин олган.

ОАК низомларида диссертацияга, илмий даража ва илмий унвон талабгорларига қўйиладиган янги мезон ва талаблар мавжуд. Улар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни давлат йўли билан аттестациядан ўтказишнинг халқаро андозаларга мос келишини ҳамда бериладиган илмий даража дипломларининг эътироф этилишини таъминлайди.

Шунингдек саҳифада, ОАК аппарати, раёсати, эксперт кенгашлари тузилмалари, ихтисослашган кенгашлар тармоғи ҳамда «ОАК Бюллетени» журналининг янги сонлари билан танишиш мумкин.

Айни пайтда ОАК ташкил топганидан буён ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертацияларининг электрон базаси яратилди. Электрон базада тадқиқотчининг илмий иши, диссертациянинг долзарблиги, илмий ва амалий аҳамияти ҳақида маълумотлар мавжуд.

Веб-саҳифани замонавий ахборот технологиялари асосида диссертация ишларини баҳолаш ва экспертиза қилиш бўйича маълумотлар билан бойитиб бориш ҳам назарда тутилган.

(ЎзА)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё масалалари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонс ва АҚШ давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчиси Лорн Крейнер Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

• Пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Бактерияли касалликларни даволашнинг жиҳатлари» мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Словениянинг «KRKA» фармацевтик фирмаси томонидан ташкил этилди.

• Ички ишлар вазирлигининг «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва жанговар санъат махсус мактаби курсантларининг тантанали қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

• Амударёнинг ўнг соҳилида — Термизнинг Ҳайратон кўприги олдида Марказий Осиёда энг йирик «Айритом» божхона мажмуи ишга туширилди.

• Тахтакўпир туманидаги «Кўструба» овулида қуёш нуридан қувват олиб ишлайдиган митти электр станция ишга туширилди. БМТнинг Тараққиёт дастури лойиҳаси асосида бунёд этилган ушбу қурилма овулдаги хонадонлар ва мактабни ток билан таъминлайди.

• Навоий вилояти Навбаҳор туманининг «Навбаҳор» фермерлар уюшмасида «Пахтабанк»ка қарашли минибанк иш бошлади.

### Жаҳонда

• Япония парламенти қуйи палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Дастлабки натижаларга кўра, аксарият сайловчилар бош вазир Дзюньитиро Коидзуми етакчилик қилаётган либерал демократик партияга овоз берди.

• Шимолий Корея маъмурияти мамлакатдаги атом электро станциясининг қурилишини тўхтатиш учун АҚШдан товон пули талаб қилмоқда.

• Хитой ўз космик дастурини янада ривожлантиришини эълон қилди. Келгуси икки йил давомида ер атрофидаги фазога икки ўринли космик кема чиқарилиши режалаштирилмоқда.

• Италияда бир кунлик оммавий иш ташлашлар бўлиб ўтди. Унда асосан машинасозлик ва металлургия соҳаси ходимлари иштирок этди.

• Доғистонда махсус «Қурол» операцияси қизғин паллага кирди. Унга кўра, шу йилнинг 1 декабрига қадар аҳоли ўзидаги барча қурол-яроғларни ўз ихтиёрига кўра топширса жиноий жазога тортилмайди.

• Ироқда эски динорларни янгисига алмаштириш жараёни бошланди. Уч ой давомида Марказий Банкнинг 4 триллионга яқин Ироқ динорларини алмаштириши мўлжалланмоқда.

**Ўзбек Миллий академик драма театрида ёш авлодни камол топтиришда маҳалланинг тутган ўрнига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбир «Обод маҳалла йили» дастури доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.**

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА МАҲАЛЛА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш ва қариялар ҳолидан хабар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллаларда оммавий спортни ривожлантириш мақсадида турли спорт иншоотлари барпо этилиб, мавжудлари таъмирланмоқда.

Тадбир доирасида меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун ёш санъаткорлар иштирокида маданий дастур намойиш этилди.

• ОБУНА — 2004

## «ОҚШОМ» БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

Қадрли газетхонлар! Айни кунларда сиз ҳамиша севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2004 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим энг яқин суҳбатдош, дўст, ҳамкор ва ҳамроҳ бўлиб келган. Буни шу кунларда таҳририятга келаётган дил номаларидан ҳам билиш мумкин. Газетага бўлган юксак меҳрингиз, садоқатингиз учун сизларга катта ташаккуримизни билдирган ҳолда шу кунларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетага обуна расмийлаштирилаётганини яна бир карра эслатиб ўтишни лозим деб топдик.

«Тошкент оқшоми» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг азим пойтахтида ва кенг жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликларни тезкорлик билан ёритади, сиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади, деб ишонтирамиз. Шундай экан, вақтни ғанимат билиб севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина сизнинг нурли хонадонингизга 2004 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом»нинг ўзи ташриф буюради.

*Таълим*

## ЎҚУВ — АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ

**Республика илмий педагогика кутубхонасида ўқув-ахборот ресурс маркази ташкил топди. Зиё масканларида ахборот технологияларини жорий этиш, улардан фойдаланишнинг самарали усулларини қўллаш дастури асосида юзага келган марказ мактаб кутубхоначилигини янги босқичга кўтаради.**

— Янги марказнинг очилиши республикамиз таълим тизимида ўзига хос янгилик бўлди, — деди кутубхона директори Доно Ғаниева "Туркистон-пресс" мухбирига. – Педагогларни ва кутубхоначиларни ахборот ресурслари билан таъминлаш мақсадида у энг замонавий компьютер қурилмаларига эга бўлди. Бу эса халқаро доирада юз бераётган ахборот ва таълим соҳасидаги янгиликларни тарғиб қилиш, жаҳон кутубхоналаридаги адабиётлардан интернет орқали фойдаланиш имконини беради.

Республика илмий педагогика кутубхонасидаги видеоахборот воситалари ҳам марказ ихтиёрида бўлади.

### РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

**Тошкент ислом университетида янги жамғарма иш бошлади.**

Олий ўқув юрти фаолиятини ривожлантириш масалалари билан бевосита шуғулланадиган мазкур жамғарма диний ва дунёвий фанларга оид ноёб адабиётларни тўплаш ва тарғиб этишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ҳозир жамғарма 800 дан ортиқ қўлёзма, нодир босма нашрларга эга. Келгусида унинг китоб захираси фидойилар томонидан топширилган тарихий қўлёзма китоблар ҳисобига янада бойийди.

Ўқув қўлланмалари ва адабиётларни нашрга тайёрлашда ҳам унинг хизмати катта бўлади. Жамғарма чет эл илмий муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу эса хориждан қадимий қўлёзма асарларни олиб келиш, улар асосида илмий изланишлар олиб бориш имконини беради. Халқаро лойиҳаларни амалга оширишга киришилади.

Режага кўра аждодларимиз мерос қолдирган диний ва илмий асарлар каталогларини тузиш ҳам кўзда тутилмоқда. Натижада университетда адабий мерос бўйича тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга эришилади. Бундай илмий ва маърифий жараёнларга иқтидорли талабалар ҳам жалб этилиб, уларнинг изланишлари муносиб тақдирланади.

**"Туркистон-пресс"**

*Демократия мактаби*

## МАҚСАД ВА РЕЖАЛАР

**Куни кеча Собир Раҳимов туманидаги «Гузарбоши» маҳалласида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.**

Тумандаги қатор маҳаллаларнинг ишчи-гуруҳи аъзолари, фаоллари, корхона ва ташкилот, туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этган ушбу сайловда аввало шу маҳалла оқсоқоли Турсунхўжа Эргашевнинг икки ярим йил мобайнида маҳаллада олиб борилган юмушлар, ёшлар, воя етмаганлар, спорт ишлари, ёрдамга муҳтож инсонлар учун кўрсатилган моддий кўмак, эътибор ва шу билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Тафтиш комиссиясининг раиси Тошкенбой Муродовнинг ҳисоботи ҳам худди мана шундай асосда эшитилди. Шундан сўнг сўзга чиққан маҳалла фаоллари Қобил Акромов, Тошпўлат Раҳматов, Илёс Ғиёсов, Рўзимат Исматуллаевлар иккала ҳисобот ҳақидаги фикрларини билдирдилар. Маҳалла аҳли ушбу ҳисоботларни қониқарли деб топди. Ва очиқ овоз бериш йўли билан Турсунхўжа Эргашев кейинги муддатга ҳам оқсоқол этиб қайта сайланди. Маҳалланинг энг фаол ва зиёли инсонларидан маҳалла маслаҳатчилари, тафтиш комиссияси аъзолари ва маҳалла котиби сайланди.

Биз сайлов иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини қоғозга туширдик.

**Исмоил ота ЁДГОРОВ:**

— Маҳалла оқсоқоли ишбилармон, халқ дардини тушунадиган, катта-кичикни иззат қилиб, бугунги кун учун жавоб бера оладиган инсон бўлиши керак. Турсунхўжа Эргашевда мана шу хислатлар бор. Халқ ишониб сайладими, демак ишлаш керак.

**Муса ҲИКМАТ, маҳалла фаоли:**

— Ишлайдиган одамнинг ўзи билиниб туради. Ўз маҳалладошининг оғирини енгил, ҳаётининг нурафшон бўлиши йўлида югуриб елади, ҳаракат қилади, муҳтожларга айниқса эътиборни қаратади. Маҳалла оқсоқоллигига лойиқ инсон — эл эъзозидаги инсондир.

**Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ, маҳалла котиби:**

— Маҳаллага котиб бўлиб яна қайта сайланганим, менга бўлган ишонч, эътибор янада яхшироқ ишлашим учун мисоли бир кўприкдир. Халқ билан мени боғлаб туради. Ҳамиша Юртбошимизнинг элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак деган ўгитларига амал қилиб ишлаб келмоқдаман ва бундан кейин ҳам худди шундай бўлади.

Очиқ мулоқот тарзида, ўзаро бир-бирини тушунган, юқори кўтаринкиликда бўлиб ўтган сайлов натижаси барчага маъқул бўлди ва маҳалла аҳли эртанги куннинг мақсад ва режасини фикрлашмоқ ниятида маҳалла оқсоқоли ёнига яна бир бора йиғилди.

**Шоҳида МАҲМУДОВА**





**СУРАТЛАРДА: «Гузарбоши» маҳалласида ўтказилган сайловдан лавҳалар.**

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва шаҳар ҳокимининг қарорлари ва Конституциямизнинг 105-моддасига кўра ваколат муддати тугаганлиги муносабати билан бутун республикамиздаги каби шаҳримизда ҳам маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчиларининг сайловлари бошланиб кетди. Бу галги сайловларда аҳолининг янада фаоллиги ва уюшқоқлиги яққол кўзга ташланяпти.**



Ўтган шанба куни Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номидаги маҳаллада ҳам сайловлар бўлиб ўтди. Юзга яқин вакиллар ва кўплаб меҳмонлар иштирок этган сайловда ушбу кўп миллатли маҳалла аҳли зўр фаоллик кўрсатди.

Раёсат аъзолари сайлангандан кейин ҳисобот-сайлов йиғилиши бошланди. Дастлаб маҳалла оқсоқоли Михаил Киктев йиғилганларни маҳалла тўғрисидаги маълумотлар билан таништирган ҳолда ўтган 2,5 йил ичида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоб берди.

Икки оғиз ушбу маҳалла хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, Юнус Ражабий маҳалласи зиёлилар кўплаб истиқомат қилиши билан алоҳида ажралиб туради. Бу ерда учта болалар боғчаси, учта спорт иншооти, учта музей, иккитадан маданият муассасаси ва олий ўқув юрти мавжуд. Ўтган ҳисобот даврида, айниқса Обод маҳалла йилида Юнус Ражабий номидаги маҳаллада кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Хусусан, таъмирталаб кўчаларга 3500 метр узунликда асфальт ётқизилди, 2 минг тупдан ортиқ гул ва 595 та мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Ўтган йили 115 та, бу йил 109 та кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. 91-мактабга спорт анжомлари олиб берилди. Ёшларни спортга жалб қилиш мақсадида шахмат, шашка, футбол, баскетбол, волейбол мусобақалари ўтказиб турилибди. Маҳалла ёш футболчиларига 3 та комплектдан футбол кийимлари олиб берилди. Мустақиллик, Хотира ва Қадрлаш куни, Наврўз ва бошқа байрамлар ҳамжиҳатликда нишонланиб, албатта кам таъминланган ва муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериб турилади. Келгусида маҳалла ҳудудида замонавий спорт миажмуаси ва тикув цехи очиш режалари бор. Юқоридаги барча ютуқларга маҳалланинг шаҳар ва туман ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси билан бамаслаҳат, ҳамжиҳатликда иш юритиши орқали эришиляпти. Шунингдек, кўплаб ҳомийлар мададидан фойдаланилмоқда. Ҳозирда маҳалла ҳисобрақамида 1 миллион сўмдан ортиқ маблағи бор...

Тафтиш комиссиясининг ҳисоботидан сўнг маҳалладошларга сўз берилди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, юксак фаоллик кўрсатган ҳолда муҳокамаларда сўзга чиққан ўнга яқин маҳалла аҳли кейинги пайтларда амалга оширилаётган хайрли ишларни қисқача таҳлил қилишиб, оқсоқол фаолияти ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини қониқарли деб топишди. Маҳалла ҳаётини келгусида янада яхшилаш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида иштирок этган шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Акромов бу йилги сайловларнинг аввалгиларидан фарқи, бугунги оқсоқолнинг масъулиятлари хусусида тўхталиб, вакилларни энг муносиб номзодни сайлашга даъват этди.

Михаил Киктев маҳалладошларнинг якдиллик билан қўллаб-қувватлашлари остида очиқ овоз бериш йўли билан яна оқсоқол этиб сайланди.

Янги оқсоқол ўзига билдирилган ишонч учун маҳалладошларига миннатдорчилик изҳор этиб, келгусида ечимини кутаётган айрим муаммоларни ҳал этиш, режаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишга ваъда берди.

Мана шундай халқ иродаси ва истаги билан сайланган оқсоқол масъулият билан ишлайди, маслаҳатчиларини ҳам фаолликка ундайди. Охир-оқибатда маҳалла тизими янада ривожланади.

Юнус Ражабий номидаги маҳаллада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Анвар Аҳмедов иштирок этди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

**СУРАТДА: Юнус Ражабий маҳалласида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишидан лавҳа.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

• МУЛОҲАЗА

# ГЎЗАЛЛИК ИЗЛАЙМАН

**Ҳар бир кишида гўзаллик ҳақида муайян тушунча бор. Биров уни жисм комиллигининг у ёки бу қирраси деб тушунса, яна биров уни бежирим кийинишда, инсоннинг қайси жинсга мансублигига қараб латофат ва орасталигида деб тушунади.**

Академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг: «Гўзаллик ишлайиш, манглай терлатиш», деган ўша машҳур сатрлари ҳам ҳамон ёдимизда. Гапнинг очиғи, ушбу сатрларнинг қоғозга тушишига оддийгина воқеа сабаб бўлди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим, устоз Озод Шарафиддинов ўзи ёзган китобларидан бирини менга тортиқ этар экан шундай сатрларни битиб берди: «Ҳаётда биз излаб тополмаган гўзалликларни топиш сизга насиб этсин».

Дарҳақиқат, киши ҳаёти давомида гўзаллик излаб умргузаронлик қилади. Агарда гўзаллик қидирувчи инсон ўзи излаган чинакам гўзалликни топсагина кўнгли оройиш топади. Яна шуниси ҳам борки, гўзаллик ҳақидаги тушунчанинг чегараси йўқ. Кимгадир ботаётган қуёш шуъласининг энг охирги заъфарон нурлари ҳам — гўзаллик тимсоли.

Аммо... назаримизда бугун биз тасаввур этаётган, ҳаёт аъмолимизга айланиб бораётган «гўзаллик» бироз эътироз талабга ўхшайди.

Яқинда бир танишимни учратиб қолдим. Авваллари бу биродаримизда вақт масаласи муаммо эмасди. Лекин уйланди-ю, вазият ўзгарди.

— Келинингизни Чилонзорга соч турмаклатишга олиб кетаяпман, — деди у мен билан наридан-бери кўришаркан. Унинг вақти тиғизлиги шундоққина кўриниб турарди.

— А, бу ўзимизнинг Юнусободда қуриб қоптими унақа жой, — дейман ростмана хунобим ошиб.

— Э, секинроқ гапирсангиз-чи, — дейди у менга олазарак боқаркан, — бу ердаги салонларда яхши турмаклай олмас экан. Чилонзордаги яхши эмиш.

Хуллас, дўстимизнинг хотини билган ишини қилиб келди. Қимматбаҳо салонда турмакланган сочни ҳам кўрдик. Аммо, минг афсуски, у бизнинг назаримизда, инсоннинг ҳуснига ҳусн қўшадиган гўзаллик рамзи сифатида таассурот қолдирмади. Эҳтимолки, бу бизнинг бошқа жинс вакили эканлигимиз, бугунги замонавий аёлларимиз эҳтиёжига монанд гўзаллик ҳақидаги тушунчани тўғри қабул қила олмаганлигимиз билан изоҳланар. Бироқ... шундай дейилса, азал-азалдан ўзбек аёлининг ички менталитетига хос ва мос бўлган — ТАБИИЙЛИК қаерда қолади? Бу ҳақда ўйлаб кўришга изн бордир ҳар қалай! Зотан, гўзаллик табиийлик тамойиллари билан муштараклик касб этгандагина чинакам гўзаллик яралмайдими?! Ёхуд қўлбола атиргул қанчалик оҳанрабо, инсонни ўзига тортувчан бўлмасин, барибир унда ростмана атиргулга хос жозиба бўлмаслигини, шу нуқтаи назардан оний лаҳзалардагина гўзаллик таратиб, сўнг йўқликка юз тутадиган гўзалликнинг умри қисқа эканлигини яхши биламиз-ку?!

Дарвоқе, гап гўзалликнинг табиийлик мезонларига бўйсуниши, билъакс шундай бўлгандагина биз билган латофат оламининг бутун кўлами юзага қалқишига бориб тақалаяпти. «Ўтган кунлар»даги «Гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси» боби эсингиздами?! Ҳар бир қиз ўз гўзаллигининг, бокира ҳисларининг нечоғлик улуғвор қиёфаси борлигини акслантириб беради. Кумушбибининг висол айёми баҳонасида, чилдирманинг шўх оҳанглари сеҳрида чинакам ўзбекона ГЎЗАЛЛИК сарбаланд қоя мисоли кўз олдингизда намоён бўлади.

Бу гўзалликдан, унинг кишини мафтун этиб қўядиган жиҳатидан ҳайратланмай бўладими?! Бир сўз билан айтганда, гўзаллик серқирра тушунча. Унинг биз билиб-билмаган, ҳали кашф этиб улгурмаган томонлари бор!

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

• СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

# СЕВИЛИШ УЧУН МАШИНАЛИ БЎЛИШ КЕРАКМИ, ЁКИ...

**— Гулнур, анави йигитни кўраяпсанми, «сотка» ушлаб турганчи?**
**— Ҳа, келишгангина эканми?**
**— Тўғри, кўзга яқин йигит, аммо нега бекатда автобус кутиб турибди?**
**— Э, у менга тўғри келмайди, «сотка»си бор экану, лекин машинаси бўлмаса нима қиламан...**

**Бекатда турган қизларнинг бундай сўзлари мени ўйлантириб қўйди.**

Бугунги бозор иқтисодиёти даврида одамларнинг ҳар бир айтган сўзлари, билдирган фикрлари, ҳатто севги масаласи ҳам моддийликка тақалиб бораётганлигининг оддийгина бир мисоли эмасмикин, юқоридаги сўзлар, дея ўз фикримдан ўзим бир оз андишага келдим. Негаки, ҳақиқий севги, дўстлик, меҳр туйғулари пул билан ўлчанмайди-ку. Аммо... Ўша «аммо»нинг ортидан барча муаммо туғилаверади-да. Ўйлаб қоласан, ҳақиқий севги туйғулари, меҳр-муҳаббат ришталари ростдан ҳам борми, ёки моддийлик, бойлик, мансаб, кибр-ҳаво соясида кўзга ташланмай қоляптимикин?

Яқинда гувоҳи бўлганим, бир воқеа юқоридаги фикримни яна бир бор тасдиқлайди, десам хато қилмасам керак. Мен анчадан бери билиб юрган тенгдошим Наргизани келин қиламан деб юрганлар талайгина. Кўпчилик йигитларнинг ўзлари ҳам орқаваротдан у ҳақда сўраб-суриштириб юришади. Наргиза ҳақида билганим, келишган, ота-онаси оддийгина одамлар, оиладаги моддий аҳволи ҳам ўртача. Аммо, тенгдошимнинг «идеал»идаги йигитни кундуз куни чироқ ёқиб тополмайсан. Тўғри, орзу-умид ҳаммада ҳам бўлиши табиий, лекин у моддийлик, бойлик умиди дегани эмас-ку! Яқинда ҳам уни кўргани ўқимишли, топар-тутари жойида, аммо «сотка»си, машинаси бўлмаган, чет элга ўқишга бориб келмаган, банкда ўзининг шахсий ҳисоб рақамини очмаган йигит «келдию-кетди».

Шу ўринда, кези келганда «сотка»си, миллионлари бўлмаган йигитлар ҳақида ҳам икки оғиз сўзни яна бир воқеа билан исботласам, уларда ҳам моддийликка бўлган эҳтиёж севги, муҳаббатдан нечоғлик устунлигига амин бўласиз, қўясиз.

Низомиддин, айни пайтда ўқишни битириб, ўз соҳаси бўйича яхшигина ишнинг бошини тутган йигит. Ёши 21 дан ошмаган, уйланмаган. Бу ҳақда гап очилгудек бўлса, аввало «Қизнинг отаси қандай ишда ишлайди? Ҳовлида туришадими ёки «дом»да?» дея биринчи берган саволи шу бўлади. Яхшиям қолган сўзлари сизга номаълум азиз қизларжонлар, бўлмаса турмуш қуриш, севимли бўлиш орзусидан ҳам маҳрум бўлишингиз ҳеч гапмас.

Машина, «сотка», чет эл сафари, миллионлар, «евроремонт» уйлар агар кимга бахт беролса, севги-муҳаббат, меҳр-оқибат, ёр-биродар, ота-оналик бахтини ўйлаб қайғурганлар нега ҳаётда кўплаб учрайди? Қўша-қўша машинаси бор, аммо фарзанд тирноғига зор кишилар камми ҳаётда? Севги — машинали бўлиш билан, бахт — миллионлар билан ўлчанганда эди инсон юрагини ҳам тошдан ясаш керак бўлармиди?

**Озода РАҲМАТОВА**

• ГАЗЕТХОН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

# ДАФТАР МУҚОВАСИДАГИ ҲАЁСИЗЛИК!

**Ўқувчи... Толиби илм... Бу сўзлар ҳар бир сонияни ғанимат билиб илм эгаллаш иштиёқи, эртанги порлоқ истиқболни қуриш истагида кечани-кечага, кунни-кунга улаб мутолаа қиладиган, тинмай изланадиган илм ошуфтаси демакдир. Зотан, илм нури билан қалбни чароғон этиш кишини мунаввар манзилларга чорлайди. Умр йўллари мазмунли, маъноли ўтади. Лекин...**

Лекин, афсуски бугун мактаб ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар ўқиш, изланиш ўрнига вақтини бекорга сарфлаётгани, ҳаётнинг ҳар лаҳзаси эртага такрор келмаслигини унутиб қўяётганга ўхшайди.

Ана шулардан бири — хорижий давлатларда суратга олинган сериаллар қаҳрамонлари акс этган дафтарларни харид қилишдир.

Яқинда йўлим тушиб, гавжум расталарнинг бирида талашиб-тортишиб дафтар харид қилаётган йигит-қизларни учратиб қолдим. Ваҳоланки, бу вақтда улар мактабда ёки институт партасида домла сабоғини тинглаётган бўлиши керак эди.

— Менга «Камилла»дан бир дона беринг...
— «Қиш сонатаси»дан борми?
— «Гвадалупе» тугадими?..

Уларнинг сотувчига бераётган саволлари шу зайлда кечарди. Сотувчининг эса оғзи қулоғида, «мол»ининг бозори чаққонлигидан мамнунлик бор эди, унинг юзида.

Энди бир ўйлаб кўрайлик!

Хорижда суратга олинган фильмларнинг аксарияти, бизнинг шарқона одобимиз, расм-русумларимиз, урф-одатларимиз, умуман олганда МЕНТАЛИТЕТимизга тўғри келмайди.

Гап шундаки, хориж сериаллари билан безанаётган ўқувчи дафтарлари, фильм қаҳрамонларининг турли ҳолатлардаги хатти-ҳаракатларини акслантиради. Очиғини айтиш керак, уларнинг аксариятидаги эркак ва аёл муносабатларига дахлдор лавҳалар толиби илмни чалғитади. Беибо, беҳаё суратлар (Бретни Спирс, Алсу ва бошқа санъаткорлар сурати) манзараси, эҳтимолки, Ғарб оламида санъат мухлислари учун битмас-туганмас илҳом манбаи, хоббилик вазифасини ўтар, лекин бизга ёт. Ахир биз Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Бобур ва бошқа буюк арбобларнинг ворисларимиз.

Маълумот тариқасида шуни айтиш мумкинки, Ҳазрат Навоий «Лисон ут-тайр», «Хамса» ва бошқа асарларида туркий халқларга ҳаё фазилат эканлигини бот-бот эътироф этади. Уларни шеърий сатрлари қатига моҳирлик билан сингдириб юборади.

Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзода сингари улуғ сиймоларнинг сурати акс этган дафтарлар бўларди. Дафтар муқовасидан жой олган «Азиз асримизнинг азиз онлари...» деб бошланадиган Ғафур Ғулом қаламига мансуб шеър ўқувчиларга ёд бўлиб кетганди. Шеърда қаламга олинган шоирона кайфият, ҳаётнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги тугал хулосалар ўқувчига олам-олам маънавий озиқ берарди.

Назаримизда, энди ана шу анъанани қайта тиклаш фурсати етди. Эндиликда мустақил юрт ўғлонлари Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа адибларимизнинг суратлари акс этган дафтарлардан фойдалансалар. Уларнинг шеърларидан олам-олам маънолар уфуриб турган сатрларидан ҳаёт ҳақиқатини англаб етсалар.

**Хумоюн АЛИЕВ**

• МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

# ШИРИНСУХАНЛИККА НИМА ЕТСИН

**Транспорт ҳақида гап кетгудек бўлса, аксарият йўловчилар унинг белгиланган қ[illegible] тартиби бўйича ҳаракат қилмаслиги ёки бир бекатда узоқ тўхтаб туришидан нолийдилар. Бундан ташқари яна бир масала ҳам бор — бу ҳам бўлса чипта сотувчиларнинг йўловчиларга бўлган муомаласидир.**

Йўловчиларнинг кўпчилик қисмини талабалар, ўқувчилар ва корхона, ташкилот, муассасаларда ишловчилар ташкил қилади. Шунинг учун уларнинг маълум қисмида ойлик йўл чипталари бўлиши табиий. Лекин бу ҳол ҳайдовчиларга унчалик ҳам ёқавермайди, чунки улар учун нақд пул тушуми муҳимроқдир. Ҳар бир соҳанинг ўз тош-тарозиси бўлгани каби бу касбнинг ҳам қийинчиликлари бор, албатта. Бироқ уларнинг хизмати энг аввало, йўловчилар билан мулоқот пайтида синовдан ўтади. Хўш, чиптачилар талаб даражасида, деб айта оламизми? Бунга дабдурустдан ижобий жавоб бериш қийин. Келинг, яхшиси, ўзимиз гувоҳи бўлган мисолларни келтирайлик.

Талабалар шаҳарчасидан троллейбусга ўтирдик. Чипта сотувчи аёл йўл ҳақини тайёрлашимизни олдиндан огоҳлантириб қўйди. Сочларига оқ оралаган, фариштали кўринган бу аёлнинг йўловчиларга қилаётган муомаласи бизни ҳайратга солди.

Ўрта эшик ёнида турган, чамаси биринчи ёки иккинчи синфларда ўқийдиган боланинг ёнига келди-да:

— Қани, йўл ҳақини тўла-чи, — деди дағаллик билан.

— Пулим йўқ, — жавоб берди бечора бола қўрқа-писа.

— Пулинг йўқ бўлса нега троллейбусга чиқдинг, қани, бир қорангни ўчир-чи, — деб болани тушириб юборди.

— Нега ундай қилдингиз, мактаб ўқувчиси бўлса, дарсга кечга қолади-ку, — деди воқеани кузатиб турган аёл.

— Жонингиз ачиётган бўлса, унга ҳам пул тўланг эди, — яна ўша дағал оҳангда гапирди ва нуроний бир йўловчига юзланди.

— Нафақа гувоҳномангизни кўрсатинг.

Аёл сумкасидан нафақа гувоҳномасини олиб қўлига берди.

— Ҳозир соппа-соғ одамлар ҳам йўлини қилиб, нафақа гувоҳномаси қилдириб оляпти, сиз ҳам шуларнинг бирисиз...

Бундай муомаладан аёл қандай аҳволга тушганини бир тасаввур қилиб кўринга. Наҳотки, жамоат транспортида бир-биримиз билан хушмуомалада бўлиш қийин бўлса? Нафақат жамоат жойларида хизмат кўрсатадиган ходимлар, балки ҳар бир инсон учун муомала маданияти сув ва ҳаводек зарур, деб ўйлаймиз. Чунки ана шу муомала бизнинг насл-насабимиз, ўзимизнинг кимлигимизни ёрқин кўрсатувчи воситадир. Зотан инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, нафрати ҳам ана шу муомала орқали юзага келади. Шундай экан, ҳар биримиз муомала маданияти доирасида туриб, мулоқотда бўлсак фойдадан холи бўлмасди.

**Зилола МАННОПОВА**

# Хатлар — ҳаёт ойнаси



**Мактублар... Таҳририятимизга сиз азиз газетхонлардан келаётган ҳар бир мактуб ўзига хос воқеани ҳикоя қилади. Шуниси эътиборлики, ушбу номаларда инсон қалбининг тубида яшириниб ётган ички кечинмалар, ҳис-туйғулар акс этган. Ҳаёт бир маромда давом этаверади. Аммо инсон умри давомида қанчадан-қанча воқеа-ҳодисаларни бошидан кечиради, турмушнинг ўнқир-чўнқир, баланд-паст, текис-нотекис сўқмоқларига дуч келади. Бу сафарги «Хатлар—ҳаёт ойнаси» саҳифаси яна сиз азизларнинг таҳририятимизга йўллаган турли мавзулардаги мактубларингиз асосида тайёрланди. Унда танқидий фикр ҳам, мулоҳазаю таҳлилий ёндошув ҳам ёки бирор воқеликка муносабат ҳам акс этган. Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, бизга янада кўпроқ мактуб йўлланг, таклифларингизни билдиринг. Ана шунда ҳамкорлигимиз яхши самара беради. Эслатиб ўтамиз, 133-08-74 рақамли телефонга сим қоқинг.**



**Яхши китоб — жон озиғи. Ёшу қарини бирдек ўзига ром эта оладиган китоблар кўпаяверсин.**

•... ТАНҚИД ҚИЛАДИ

# ХУЛОСАНИ ЎЗИНГИЗ ЧИҚАРАСИЗ

**Тоза ҳавони заҳарламаслик, экологияни бузмаслик, атроф-муҳитни тоза тутиш ҳақида кўп гапирамиз. Газеталарда бу ҳақда мақолалар чоп этилади. Лекин...**

Яхшиси воқеани сўзлаб бера қолайлигу хулосасини чиқариш газетхоннинг ўзига ҳавола.

Кечқурун ишдан қайтаётиб одатдагидек, 97-автобусга чиқдик. Одам тирбанд. Автобус ҳам шалоғи чиққан хилидан бўлганиданми, одамлар оёқда зўрға турибди. Менку амаллаб ўриндиқда ўтириб келаяпман. Тепамда 28-30 ёшларни қоралаб қолган аёл. Ўрдага яқинлашиб қолгандик, бирдан аччиқ сигарет ҳидию тутуни ҳамма ёқни босиб кетди. Одамлар беҳаловат бўла бошлашди. Аввалига ҳайрон бўлдик. Автобус салонида ҳеч бир йўловчининг сигарет чекишга ҳаққи йўқ. Ким бўлди экан, бу қоидага амал қилмайдиган «шоввоз», дея ўйлаб ён-атрофга алангладик. Автобус тирбандлигидан йўловчилардан бирортасининг сигарета тутатишини хаёлга келтиришнинг ўзи бемаънилик эди. Кейин билсак бу кашанда автобус ҳайдовчисининг ўзи экан. Назаримизда одамлар гавжум жамоат жойларида сигарета чекишни қатъий тақиқлаш лозимга ўхшайди. Шунда инсонлар соғлиғига ҳам, экологияга ҳам, атроф-муҳитга зарар етмайди. Сиз бунга нима дейсиз, газетхон?

**Асқар МАҲКАМОВ**

**Кўп сонли газетхонлар таҳририятимизга йўллаган мактубларида гиёвандлик ва у келтириб чиқараётган баъзи иллатлар ҳақида тез-тез ибратли мақолалар бериб боришимизни илтимос қилишган. Шуни эътиборга олиб қуйидаги мақолани тайёрлашга киришдик.**

• ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

# СЎНГГИ ПУШАЙМОНГА ЎРИН ҚОЛМАСИН

Телефон қўнғироғи жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсак туман ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлимининг хизматчиси милиция подполковниги Толибжон Содиқовнинг овози эшитилди.

— Гиёвандлар ҳақида мақола ёзмоқчиман деган эдингиз, шу мавзубоп материал топилди. Гиёвандлардан бир гуруҳини қўлга олдик.

Дарҳол ўша томон йўл олдик. Милиция хизмати назоратида хонага бир аёлни олиб киришди. Ранги-рўйи шу қадар заҳил, сочлари бемаврид оқаришга улгурган бу инсонга бир қарашдаёқ 30 ёшни берасиз.

— Исмингиз нима?— сўрашади милиция хизматчилари ундан.

— Наташа.

— Неча ёшдасиз?

— 17 да.

Ҳали навқирон ёшдаги Наташанинг бу хилда кўриниши бизни ҳайратга солди. Унинг кийимлари ўта ночор, ғижим-ғижим кўйлагининг йиртилган жойларидан баданлари кўриниб турарди. Икки қўлининг билагидан юқори қисми томирлари кўм-кўк кўкарган. Танага игна билан юборилган оғу излари бу. Мўъжазгина гавда гўё ўзини тутиб туролмайдигандек. Чунки Наташанинг қандайдир ички тўлғоқдан қийналаётгани унинг қўллари, лаблари тинимсиз титраётганидан сезилиб турибди.

— Бу дори хуружининг бошланиши, — дейди хизматчилардан бири.

У сўроқларга зўр-базўр жавоб берарди. Қани энди бу азобдан тезроқ қутулсаю ҳеч бўлмаса хонага кириб бир зум бўлсада ором ола қолса. Лекин ҳадеганда савол-жавоблар тугайвермасди. Шунда бирдан...

Кўз ўнгимизда Наташанинг ранглари докадек оқарди. Ҳозиргина аранг бўлсада айланиб турган тил бир зумда қотиб қолди. Оғзидан кўпик оқа бошлади. Аъзойи бадани қақшаб, нурсиз кўзлари даҳшатли олайди. У ўзини ерга отиб у ёқдан бу ёққа тинимсиз айлана бошлади. Энди ҳақиқий хуруж бошланганди. Уни кўтариб ичкарига олиб кетишди.

Ҳали балоғат ёшига етиб улгурмаган бу аёлнинг икки боласи борлигини эшитиб, қулоқларимизга ишонмадик. Лекин бу ҳақиқат эди. Аммо бечора болалар она меҳридан жудо. Уларнинг тарбияси билан анчадан бери Наташанинг қариндошлари шуғулланар экан. Ҳақиқий она эса болаларини ўйламайди ҳам, уларнинг ҳаёти билан мутлақо қизиқмайди ҳам. Унинг бутун фикри-зикри «дорида». Унинг домида куйиб ўртанади. Шу оғудан баҳраманд бўлгандагина лаззатланади, ҳузур қилади. Бугун биров, эртага яна бир ўзга кишининг оғушида ётгани билан иши йўқ. Ишқилиб ўша «севгилиси» унга керакли оғуни топиб берса бас. Ундан ўзгаси кўзига кўринмайди. Гиёвандлик инсон онгини бутунлай заҳарлагани шу бўлса керакда. Бу ҳолни кўра-била туриб бизга яқин таниш бўлган бир хонадонда юз берган кўнгилсиз воқеани эсладик.

Содиқжон хотини Севара билан севиб-севилиб оила қурганди. Аҳду-вафога содиқ эр-хотинни кўрган кишининг ҳаваси келарди. Негаки бу икки ёш чиройю одобда бир-биридан қолишмасди. Улар бир институтда ўқишди. Илмга чанқоқликлари туфайли талабалик йиллари тугагач, шу институтда қолишди. Аспирантурага кириб ўқишни давом эттиришди.

Йиллар ўтди. Биринчи бўлиб Севара илмий даражали бўлди. Содиқжон ҳам илмий ишини тугатган, бугун-эрта қувончли кунни бошидан кечириш арафасида турарди. Бироқ, бу кун ҳадеганда келавермас, турли ҳодиса ва сабаблар билан ҳимоя орқага суриларди.

Бу орада Содиқжоннинг отаси вафот этди. Энг ёмони унинг икки ёшли ўғилчаси машина тагида қолиб фожиали ҳалок бўлди. Шундан кейин Содиқжон ўзига келмай қолди. Сабабсиз ишга келмайдиган одат чиқарди: Домласи бир-икки бор унга тасалли берган бўлиб ҳимояни тезлатишга ундади. Содиқжон ҳозир кўнглига ҳеч нарса сиғмаслигини айтиб ивирсиб юраверди. Бўш вақтларини уйи олдидаги пивохонада ўтказадиган бўлди.

Олдинига Севара бунга эътибор бермади. Чунки биринчи фарзанди — ширингина ўғилчасининг қайғуси унинг дили тубидан кетиб улгурмаганди. Кунлар ўтган сари Содиқжоннинг беўхшов улфатлари кўпайди. Бемаврид уларни тез уйга бошлаб келадиган бўлди. Шундай кезларда ичкиликбозлик тонггача давом этар, Севара уларга хизмат қилиб чарчарди. Улфатчиликдан кейин узоқ вақт диққинафас ва қўланса ҳид аримай қолган уйни тишини тишига қўйиб, ўқчий-ўқчий тартибга келтирарди.

Бу ҳид наша ҳиди эканлигини Севара кейинроқ тушунди. Тушундию бутун дунёси қоронғу бўлди. Наҳотки эри... Йўғэ, шундай одам... Ичкилик ичиши, чекиши рост. Лекин бунақа нодонликка бормаса керак. Яна ким билсин, дўстинг ола қарға бўлганидан кейин...

Мана шуларни ўйлаб Севара лабини тишлади. Ўғилчасининг дарди ҳасрати етмагандек эриники ортиб тушди. Йўқ, қандай бўлмасин, уни бу йўлдан қайтариш керак.

Шундай қилди ҳам. Содиқжонга бу гаплар ёқмади шекилли хотинига зардали қараб қўйди-да, индамай кўчага чиқиб кетди. «Эри яхши одам, уни йўлдан урганлар мана шу ҳамтовоқлари. Унга ётиғи билан тушунтириш керак».

Севара икки ўт ўртасида ёнарди. Кечқурун эри билан хонадонига кириб келган улфатларига бу сафар у қиё боқмади, дастурхон ёзмади. Содиқжон ҳовлига чиқиб хотинига бир-икки ишора қилди. Лекин Севара бепарво юраверди. Ҳар гал баҳоли қудрат дастурхон ёзиладиган хонадондаги бу ғалати қилиқни кўриб улфатлари пичинг қила-қила уйларига тарқалишди. Уларнинг таънаю маломатлари Содиқжонга ёмон таъсир қилди. Аламидан нашани меъёридан ортиқ чекиб юборди. Гандираклаб хотини ётган уйга кирди.

— Ҳов, менга қара. Кимман ўзи сенга. Эрманми ёки... Содиқжон тўсатдан Севарани тепиб юборди. Хотини алам устида бир нарса деди. Шундан кейин эр баттар оёғига эрк берди. Севара аранг ўрнидан туриб қочиб улгурди. Содиқжон стол устида турган пичоқни олиб унинг орқасидан югурди. Хайриятки мастлик кучлилик қилиб ҳовли остонасига қоқилиб йиқилди. Бўлмаса бу жанжалнинг охири фожиа билан якунланармиди?

Гиёвандлик бора-бора инсонни ўз домига тортиб, уни бутунлай кишанлаб олишини ана ўшанда яна бир бор ҳис этдик. Унинг бало қазодек ёпирилган иллатидан шу тариқа яна бир оила барбод бўлди.

Бу воқеалар беихтиёр кишини ўйлантиради, хаёлга толдиради. Айниқса, шаҳримизда содир бўлаётган қабиҳликларнинг ярмидан кўпи гиёвандлик орқасида келиб чиқаётгани ҳақидаги маълумотлар ҳар биримизни даҳшатга солади. Энг хавфлиси гиёвандлик баъзи бир ёшларимиз орасига ҳам кириб бораётганлигида. Шундай экан, келинг, азизлар гиёвандликка қарши биргаликда ўт очайлик. Зеро, биз юрт равнақи, унинг ёрқин келажаги учун масъул эканмиз миллат соғлиғи, бўлажак авлодларнинг баркамоллиги учун фидойи бўлайлик. Ана шундагина эл-юрт тақдири учун куюнчаклигимизни яна бир карра намоён этган бўламиз.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

*Спорт*

## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Ҳиндистонда спортнинг триатлон тури бўйича ташкил этилган Осиё чемпионати мусобақалари якунига етди. Ушбу нуфузли турнирда иштирок этган Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти спортчиларидан иборат Ўзбекистон терма жамоасига яна омад кулиб боқди. Қитъанинг ўн етти давлатидан ташриф буюрган терма жамоалар орасида Ўзбекистон вакиллари муваффақиятли қатнашиб умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Турнир ғолиблиги эса Гонконг мамлакати триатлончиларига насиб этди. Дарвоқе, якка тартибдаги мусобақаларда ҳамюртимиз Иван Морозов очиқ денгизда 40 километр масофага сузиш, 1,5 километрга югуриш баҳсларида маррага учинчи бўлиб етиб келди ва бронза медалини қўлга киритди.

## АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида дзюдо бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли турнирда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига яна омад кулиб боқди. Бутунжаҳон талабалар универсиадаси ғолиблигини қўлга киритган полвонимиз Абдулла Тангриев 100 килограммли вазнда барча рақиблари устидан ишончли ғалаба қозониб Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Шунингдек, мусобақаларда 60 килограммгача вазнда Санжар Зокиров кумуш, 90 килограммгача вазнда Вячеслав Перенейко, 73 килограммгача вазнда Шокир Мўминовларга эса бронза медаллари насиб этди. Қизлар баҳсида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Зинура Жўраева 52 килограммгача вазнда фахрли учинчи ўрини қўлга киритди. Греция пойтахти Афина шаҳрида 2004 йили ўтадиган Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиш учун дзюдочиларимизга Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида уюштириладиган қитъа биринчилигида ғолиб чиқишга тўғри келади. Биз Осиё чемпиони Абдулла Тангриев ва бошқа полвонларимизга ушбу нуфузли биринчиликда ҳам зафар қучишларини тилаб қоламиз.

## ПОЛВОНЛАР ГИЛАМГА ТУШИШАДИ

Миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган ўзбек кураши дунёга донг таратаётгани киши қалбини тўлқинлантиради. Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида 14-16 ноябрь кунлари илк бор эркаклар ўртасида кураш бўйича Океания чемпионати ўтказилади. Ушбу нуфузли турнирда полвонлар 66, 81 килограммгача ва 81 килограммдан юқори бўлган вазнларда ғолиблик учун кураш олиб боришади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Санъат*

# ЯПОНИЯ ТЕАТРИ НИҚОБЛАРИ



**Илгари хабар берганимиздек, замонавий санъат марказида «Но театри ниқоблари» плакатлар кўргазмаси очилди.**

Но театри эътиборга лойиқ ҳамда алоҳида аҳамият касб этадиган санъат тури ҳисобланади. Мазкур театр тарихига назар ташласак, унинг илдизи Япония ўтмишининг феодал даврига бориб тақалади. Нода грим, бўёқлар ишлатилмайди. Буларнинг ўрнига — нозик ясалган ва дид билан безатилган ниқоблардан фойдаланилади. Қоида бўйича, ниқоблар кишининг ҳис-туйғуларини, кайфиятини ўзида тасвирлайди. Хурсандчилик ёки хомушлик, ғазаб ёки қувноқликни...

Хуллас, инсоният ҳис-туйғуларининг нозик қирраларини намоён этади. Жами 80 дан ортиқ ниқоблардан фойдаланган ҳолда Но театри актёрлари саҳна асарларини ижро этадилар.



— Мен ушбу кўргазмани ташкил этишда ўз ёрдамини аямаган Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонасига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. — «Япония маданияти кунлари» доирасида ўтказилаётган тадбирлар, хусусан, менинг «Но театри ниқоблари» плакатлар кўргазмам икки давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашига умид қиламан», — дейди Фудзисиро Норио.

«Япония маданияти кунлари» тадбирлари давомида Япония китоблар кўргазмаси, чой тайёрлаш маданияти ҳамда кўплаб анжуманларни ўтказиш режалаштирилган.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**

## ҚАҲҚАҲА

Бир лофчи иккинчисига мақтанибди:

— Ёзда тоққа саёҳатга чиққанимизда, ҳеч кимда гугурт йўқ экан, шунда мен қўлларимни бир-бирига ишқалаб ўт чиқариб бердим! Шундан кейин менга «чақмоқ тош» (зажигалка) деб лақаб қўйишди.

— Э, бу ҳолва, — дебди иккинчиси. — Бизлар саёҳатга чиққанимизда ўтин йўқ экан, мен қўлларимни қозонга солиб шўрва пишириб бердим. Шундан кейин менга «кипитильник» (қайнаткич) деб тахаллус қўйишди.

* * *

Ўқитувчи:

— Қани Мусамат, фигуралар ичидан менга конусни кўрсатиб берчи?

— Бу ерда конус йўқ, домла!

— Нега йўқ экан, ана турибди-ку!

— Мана буми?

— Ҳа, худди ўша конус дейилади!

— Э домлажон, бу воронка-ку.

* * *

Ўқитувчи:

— Ҳаммангиз ёзув дафтарларингизни партанинг устига қўйинглар, мен текшириб чиқаман.

Ҳамманинг дафтарларини текшириб чиқаётиб, навбат Мусаматга келганда ҳайрон бўлиб сўради:

— Сенда нега биттагина дафтар? Бошқа ёзув дафтарларинг қани?

— Ҳаммаси шунинг ичида, ахир бу дафтарнинг устига «Умумий дафтар» деб ёзиб қўйилган-ку — дебди у.

* * *

— Ким бирни бериб, икки ва ундан кўпроқни олади? — деб сўрадилар Мусаматдан.

— Қизини бериб, куёвини қўлга олган одамда, — деб жавоб берди Мусамат.




Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

*Жиноят жазосиз қолмайди*

## ЗАНЖИР ЎҒРИЛАРИ

**Яқинда пойтахт Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан талончилик жиноятини содир этган шахслар қўлга олинди.**

Бирор бир мулк эгасига жиддий зиён етказилган пайтда ички ишлар идораларида меҳнат қилаётган барча ходимлар зудлик билан хизматга жалб қилиниб, содир этилган ҳуқуқбузарлик қисқа фурсатда фош этилишига ҳаракат қилинади.

Пойтахтга ўқишга кириш мақсадида келган М.Даминов Юнусобод туманида жойлашган «Ширин» кафеси олдида нотаниш аёлнинг бўйнидаги 250 минг сўмлик тилла занжирини юлиб қочади. Айбланувчи шу ҳудудда хизматини ўтаётган Ички ишлар хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди.

Сергели туманида ҳам худди шундай жиноят содир этилган.

Болалар боғчаси олдида бегона аёлга ташланган А.Саидов боғча тарбиячиси З.Салимованинг бўйнидаги 230 минг сўмлик тилла занжирини юлиб қочади. Узоққа кетмасданоқ уни Ички ишлар идоралари ходимлари далилий ашё билан қўлга олдилар.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 166-моддаси билан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, тоғни урса талқон қила олишга билагида кучи бор йигитлар, аёлларга нисбатан куч ишлатганлар. Нима бўлганда ҳам, энди уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари натижасини ўйлаб кўришга вақтлари етарли бўлади.

**Адибахон ҒАЙРАТ қизи**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР
ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 12-касб ҳунар мактаби томонидан Обидов Умиджон Боходирович номига берилган № 215045 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Poytaxt INFORM
FM 107.2
132-26-44 132-26-45
Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-007.

1 3456